



1991 йил Ўзбекистон президентлигига сайловларда Каримовга қарши номзодини қўйган ва кейинчалик сурғун қилинган, бу ҳам етмагандай 3 марта суиқасд таҳликасини бошидан кечирган Ўзбекистон муҳолифат лидери, ёзувчи, сиёсатчи Муҳаммад Солих, Туркияни 1972 йилда илк маротаба Алпарслон Туркашнинг шахси воситасида танишни бошлаганини билдирди.

Мужодада руҳи билан, мафқураси билан, иймони билан, зулмга қарши бир курашчи афсонаси бўлган, Турк халқлари ичида тилдан тилга тушган Ўзбек лидери Муҳаммад



“ТУРКАШНИНГ ТУРКЧИ СІЙМОСИ ШУУРИМГА ЕРЛАШДИ”

Солих, Турк дунёсида Турклик тушунчаси рамзлари орасидан жой олган. Ёшлигиданоқ ҳаёт мафқураси, этикоди учун кураш йўлини танлаган Муҳаммад Солихга бизни қизиқтирган саволлар билан муружаат қилдик.

Тарик Челенк (Tarık Çelenk): Муҳтарам Раис, афсуски Совет иттифоқининг кулашидан кейин Турк (соғи) муҳофозакор қатлами Турк дунёси билан тўғри муносабатларни йўлга қўёлмади.. Иккинчи масала эса, Исломи Дунёси билан ҳам Туркиянинг Адолат ва Тараққиёт партияси даврида жуда ҳам истадигимиз идеал муносабатларни ривожлантира олмадик. Чунки, асос бўладиган бир фикр уйғотолмадик. Ўрта Осиёдан бир Турк-Ўзбек зиёлиси сифатида айниқса сизнинг бу масаладаги фикрингиз жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Илк суҳбатимизда Туркчилик, миллатчилик борасидаги фикрларингизни олишни истардим. Шунингдек сизнинг Ўрта Осиё ва ва Жаҳон сиёсатида борасидаги қарашларингиз билан ҳам пойлашишни истайман. Ҳозир аввало сизни қисқача бизнинг одамлар таниб олишлари учун ўзингиз ҳақингизда айтиб бера оласизми.

Муҳаммад Солих: Мен Ўзбекистоннинг ғарбий қисмида

1949 йилда туғилдим. Бу Туркменистонга яқин Ўғуз ҳудуди – Хоразм, Хоразмда асосан ўғузлар яшайди. Туркман қабилалари билан чамбар-час ҳаёт кечирамиз. Бизнинг баъзи қариндошларимиз паспортга ўзларини туркман деб ёздиршишган. Улар бугунги Туркменистоннинг Дашоғуз (Таш ўғуз) вилоятида яшайдиган қариндошларимиз. Хоразм 12-13 асрларда Хоразм давлатини қурган Хоразмшоҳлар диёридир. Сўнги Хоразмшоҳ Жалололдин Мангуберди Мўғул истилочиларига қарши курашган охириги ҳукмдор эди.

Мен албатта бугун ўзимга Ўзбекман дейман, Ўзбеклар уч Турк қабиласи – Ўғуз, Қипчоқ ва Қарлук – Туркларини ўз ичига олган бир катта этник гуруҳдир.

Янада аниқроқ айтганда, Хоразм Ўзбегиман. Хоразм 1924 йилгача мустақил жумҳурият эди. 1924 йилда Совет иттифоқи томонидан Ўзбекистон Социалистик Республикаси деб эълон қилиниб, Бухоро ва Хоразмни (эски Хива хонлиги) бугунги Ўзбекистон таркибига қўшдилар.

Бугунги Ўзбекистон эски Туркистоннинг марказидир. Амир Темурдан кейин парчаланган империянинг маркази бу диёр. Биласиз, Ғарбий Туркистонни руслар 5 парчага бўлдилар: Ўзбекистон,

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон.

Чор Россияси ишғолига қадар у ерда 3 давлат бор эди: Қўқон хонлиги, Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги. Бу Темурдан меърос қолган уч парча эди.

Мен Хоразм вилоятининг ғарбий қисмида яшаган Бекжон Бекнинг набирасиман. Бизнинг сулоламиз халқ ичида “хонга қиз бермаган беклар” дея эсланади.

Олтинчи авлоддан бобомиз Бегўлат Бек қизини Хива хонининг ҳарамига бермагани учун унинг хонадонини 19-аср ўрталарида Хоразмдан Бухоро чегарасига, бугунги Қорақўл туманига сурғун қилдилар. Оиламиз у ерда 17 йил ғурбатда қолишади ва ниҳоят янги хон тахтга чиқиб боболаримиз ватанга қайта чақириб олинади, мақоми ва барча мол-мулклари қайтариб берилади. Бу ҳам бир алоҳида ҳикоя...

Мен Совет иттифоқи даврида туғулдим ва Совет мафқурасида етиштирилдим албатта. Русларни “катта акамиз” сифатида танитиллар бизга.

Аммо мени 18 ёшимда Қизил армияга аскарликка олдилар ва у ерда мен муайян бир миллатга мансуб эканлигимни тушундим.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Мен у ерда менинг бир ўтмишим, тарихим бор эканлигини билдим. Мен ўзбек эканлигимни, бир Турк эканлигимни рус аскарларининг менга қарши кўрсатган шовинистик муносабатларидан кейин билдим.

Аскарликда ашаддий рус ирқчилиги билан қаршилашдим ва бу аччиқ тажриба мени Ўзбек миллатчисига айлантди.

2 йиллик аскарликдан сўнгра Ўзбекистонга қайтганимда мен ортиқ социалист бир йигит эмасдим, ҳаддан ортиқ бир миллатчи эдим.

Тарик Челенк: Социалистик фикрларингиздан ҳам Армияда вақтингизда воз кечдингизми?

Мухаммад Солих: Албатта, социалистик фикрлар у қадар шаклланмаган эди зотан. Шундай бўлсада, мен рус адабиётини, Ғарб адабиётини Ўзбек адабиётидан анча кўпроқ билардим.

Чунки бошланғич мактабдан бошлаб бизга тарих сифатида “Совет иттифоқи тарихи”, аслида, Рус тарихи ўқитилди. Бундай бир замонда менинг шакллана бошлаган интернационалист бошимга илк зарбани Қизил армия урди. Аскарлик менинг ҳақиқий кимлигимни ўртага чиқарди ва аскарликдан бошқа бир шахс ўлароқ қайтдим.

Тарик Челенк: Хўш сизга атеистик таълим берилармиди? Совет таълим тизимида атеист бир таълим тизими бормиди?

Мухаммад Солих: Албатта. Шиорлари “Дин афёндир, Худо йўқдир, Аллоҳ йўқдир” эди. Аслида бу қадар пропгандага эҳтиёж ҳам йўқ эди. Зотан дин ҳақида на уйда на мактабда билги берилмасди, бу мавзу гаплашилмагандан кейин ҳар ким зотан атеист бўлиб етишаётганди. Дин ҳақида фақатгина “дин зарарлидир” дея билардилар.

Тарик Челенк: Оилангиздан мусулмон бирининг ёрдами билан Ислоний таълим олдингизми?

Мухаммад Солих: Ҳеч қандай таълим йўқ эди. Аммо онам ҳар доим “Ла илаҳа иллоллоҳ” дея сўйларди. Ухлашга ётаркан шу шеърни ўқирди:

*“Етаямиз ё Оллоҳ,
Турармиз ҳам ИншаОллоҳ –
Турар турмас кун бўлса
Ла илаҳа иллоллоҳ!”*

Биз болалар шу тўртлик соясида уйкуга кетардик.

Биз учун бутун Ислон шу 4 сатирнинг ичида эди. Онаминг,

диний таълимоти йўқлигига қарамасдан, Аллоҳ кўркуси жуда катта эди. Тилидан истиғфор тушмасди.

Отам Мадамин (Мухаммадамин) Бек 1918, онам Оқила Хоним 1922 йил туғилган эдилар, уларни ўқитишмаган эди.

Бобом Бекжон Бекни 1926 йилда “қулоқ” (антисоветчи) сифатида ҳибсга олинган ва бир йил кейин, 1928 йилда қатл қилинган. Ерсувларимиз, мол ва мулкларимиз мусодара қилинди...

Тарик Челенк: Кейин аскарликда вақтингиз Прага баҳорига тўғри келдингиз, шундайми?

Мухаммад Солих: Ҳа, бу 1968 йилнинг май ойида, мен Қизил армия сафида аскар ўлароқ Венгрияда эдим. Кейин июн, июл ва август ойининг илк ярмида бизнинг кўшинлар Чехословакия чегарасига кетирилди ва у ерда 21 августга қадар кутдик.

Биз Чехословакияга июн ойида ҳам кираолардик, аммо кутдик. Сўнгра 20 августда “уруш чиқиши мумкин, жангга тайёр бўлинг, биз бу кеча Чехословакияга кирамиз, НАТО ҳужум қилиши мумкин”, дедилар.

Биз ёшлар севиндик. Ёшимиз 18.5 да эди, инсон бу ёшда урушга севинади албатта. Қўлимизга Калашников автоматик курулининг энг сўнгги моделини туттирдилар ва белимизга ҳар бирида 32 тадан ўқ бўлган 3 дона магазин тақдилар, 2 дона Ф-1 қўл гранатаси ҳам бердилар. Энг сўнгги модел қўл бомбалари эди.

Кейин 21 август кечаси биз Чехословакия чегарасига ўтдик. Шу тариқа биз ёшлар Қизил армия сафида Чехословакияни ишғол қилдик. Биз Чехословакияда 4 ой қолдик. Сўнгра Венгрияга ортга қайтдик.

Тарик Челенк: Хўш у ердаги Венгер ёшларининг фуқаролик бўйсунмаслик ҳаракатлари диққатингизни тортганими?

Мухаммад Солих: Албатта, мен учун Чехословакия зехнимда бир инқилоб яратти дея оламан. Қуролсиз инсонларнинг биз қуролли инсонларга қарши очиқ курашишига шохид бўлдик.

Илк кунлар биздан баъзи аскарлар ўз-ўзини ҳимоя қилиш баҳонаси билан протестант Словакларга қарши ўт очди ва икки кишини ўлдирдилар (Мен ҳеч кимни ўлдирмадим Аллоҳга шукур). Бунга қарамасдан бу қуролсиз инсонлар (хотин-эркак) бизга “Москвага

қайтиб кетинг, Москвага 2 минг километр, сизларни хотинларингиз кутаяпти, бу тупроқлар бизники” каби шиорлар айтишдан қайтмадилар.

Тарик Челенк: У ерга ҳақсиз бир даъво учун, ҳақсиз бир мақсад учун борганингизни дарров англадингизми?

Мухаммад Солих: Ҳа. Албатта илк икки ойда ортиқча бир нарсани тушунмадик. Бу қаршилиқ кўрсатаётган жамиятни, яъни чехословакларни бизнинг қўмондонлар “контра” дейишарди. Биз инқилобчи улар акс инқилобчи эди. Кейин қарасак, бу “контра” дейилган инсонлар жуда яхши инсонлар экан.

Тарик Челенк: Қарши инқилобчи дер эдилар у вақтда.

Мухаммад Солих: Ҳа уларни қарши инқилобчи, “буржуа” дердилар, аммо кейин қарасак, жуда ҳам маданиятли, жуда ҳам сокин инсонлар эканликларини кўрдик.

Улар билан дўстлашдик, улар билан жуда яхши бўлдик. Биз Словак ҳудудида Братислава шаҳрига жойлашгандик. Шу тариқа у ерда ҳамма нарса ўзгарди мен учун.

Қисқаси, икки йил аскарликдан тамоман бошқа бир инсон сифатида қайтдим юртимга.

Уйга қайтганимда ўзимни жуда кекса ҳис қилардим. Шундай бир рухий ҳол ичида эдим 70-йиллар бошида.

Тарик Челенк: Тошкентда Университетда ўқидингиз.

Мухаммад Солих: Ҳа, Тошкент Университетининг журналистика факултетига кирдим. Синфимизда мендан 3 ёки 4 ёш кичик ёшлар бор эди. Улар мактабдан сўнг дарров Университетга киришган эди, мен эса мактабдан 4 йил кейин кирган эдим ва орамиздаги фарқ жуда катта кўринарди.

Менинг аскарлик ҳаётим ёшлигимни жуда ҳам қисқартирган ва мени тез вояга етказганди гўё. Синифдаги дўстларим менга боладек кўринарди. Ҳолбуки орамизда 2-3 ёш фарқ бор эди.

Тарик Челенк: Хўш ўша вақт сизда Ўзбек сифатида тушунча уйғондими?

Мухаммад Солих: Шу қадар уйғонди-ки, ортиқ миллатчиликдан ўтиб Туркчи бўлгандим.

Тарик Челенк: Туркияга қачон эътибор қаратдингиз?

Мухаммад Солих: Туркияни

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

1972 йилда илк Алпарслон Туркаш шахси воситасида танишни бошладим. Туркия билан 1973 йилда яқиндан қизиқа бошладим. “Би-Би-Си” ёки “Либерти” радиосида (бу радиоларни қиска тўлқинларда яширинча тинглардик) афсонавий бир полковник ҳақида гапираётганди. «Бир Турк полковниги чикқанмиш, исми Алпарслон Туркаш эмиш, Туркчи эмиш. Хитойга борганмиш ва Мао Цзэдундан Уйғур Туркларининг ҳақларини талаб қилганмуш»,

деяётганди.

Бу Туркчи сиймоси менинг шууримга ерлашди.

Албатта, Туркаш Хитойга бормаган эди.

Бу мазлум халқларнинг ўйлаб топган бир афсонаси эди. Туркаш исми биз ёшлар учун янги бир исм эди.

У вақтнинг Туркияси идеологияси Совет социалист мафқурасига яқин бўлган сиёсий арбоб Булант Эжевита кўпроқ акс этарди.

Тарик Челенк: Масалан сиз каби Ўзбек ёшларининг Туркияга бўлган қизиқиши университетда

юзага келганмиди. Шуни ҳис қилолармидингиз?

Мухаммад

Солиҳ:

Университетда Туркия сиёсати ва адабиёти билан қизиқувчилар жуда оз эди. Мен шу оз чилик ичида эдим. Туркия ҳақида адабиёт деярли йўқ эди.

Миллий шоирларимиз, 20-аср бошларида яшаган жадидчилик ҳаракатининг етакчилари Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Мунаввар Қори каби буюк шоир ва олимларнинг асарлари тақиқланганди, китобларини тополмасдик.

Мен Университетнинг 1 ва 2-синфларида кўпроқ Ғарб адабиётини ўқидим. Жан Пол Сартре, Камю, Кафка мен учун кўп мутолаа қилганим исмлар эди.

Кейин 1972 йилда Габриел Маркесни кашф эттим, Лотин Америкаси ёзувчилари пайдо бўлди уфқимда. Булар билан янги бир дунё очдим. Лотин Америкаси адабиёти мени жуда кўп машғул қилди...

Тарик Челенк: Албатта Лотин Америкасида диктаторликка қарши бир муносабат бор эди, эътиборингизни тортди, шундайми?

Мухаммад Солиҳ: Албатта, ўша озодлиқ ҳаракати, Че Гевара.

Че Геваранинг парда орқасидаги ҳақиқий ҳаётини, қоронғулик ҳаётини билмас эдик албатта. Че биз каби мазлумлар учун жанг қилган бир йигит ва қаҳрамон эди.

Туркия нуқтаи назаридан бокганимизда бир парадокс бор: мен бир соғчи (мухофазакор) эдим, у вақтдаги Туркия сўли учун қийматли бўлган китоблари ва ёзувчиларини яхши кўрардим: бир Ўзбек, бир Турк миллатчиси сифатида Ғарб маданиятидан илҳомланмоқ Туркия миллатчилиги наздида қабул қилинмасди албатта.

Тарик Челенк: Бу китобларни топишда қийналмасдингиз, шундайми?

Мухаммад

Солиҳ:

Ғарб ўлкаларида босилган энг оммабоп китоблар 8-9 ой ичида дарров Русчага таржима қилинади ва биз бир зумда бу китобларни олабилардик.

Россияда жуда катта таржимон кадрлари бор эди. Адабиёт таржимаси масаласида Советлар жуда илғор эди.

Хатто биз Оврўпалардан чуқурроқ, тезроқ шаклда Оврўпа адабиётини англандик ва уни баҳолай олардик.

(Давоми бор)

Туркия туркчасидан
ўзбекчалаштирилди
Манба: gazetebirluk.com

YeniBirlik RÖPORTAJ

'TÜRKEŞ'İN TÜRKÇÜ İMAJİ ŞUURUMA YERLEŞTİ'

Özbekistan Cumhuriyeti başkanı seçilmesinde 1997'de İslam Kerimov'a karşı adaylığını koyan ve daha sonra sürgün edilen, bunlarla kalmayıp 3 kez sükkaste uğrayan Özbekistan'ın muhalif lideri yazar, politikacı Muhammed Salih, Türkiye'yi 1972'de ilk Alparslan Türkeş salisi vasıtasıyla tanıması başlılığını belirtti. Salih YeniBirlik'e açıklamalarında bulundu



Muhalif lider Muhammed Salih, Türkiye'yi 1972'de ilk Alparslan Türkeş salisi vasıtasıyla tanıması başlılığını belirtti. Salih YeniBirlik'e açıklamalarında bulundu. Salih, Türkiye'yi 1972'de ilk Alparslan Türkeş salisi vasıtasıyla tanıması başlılığını belirtti. Salih YeniBirlik'e açıklamalarında bulundu.

A-Türk ÇELENK

Salih, Türkiye'yi 1972'de ilk Alparslan Türkeş salisi vasıtasıyla tanıması başlılığını belirtti. Salih YeniBirlik'e açıklamalarında bulundu.

TÜRKİYE NİN NE ZAMAN FARKINA VARDINIZ?

Salih, Türkiye'yi 1972'de ilk Alparslan Türkeş salisi vasıtasıyla tanıması başlılığını belirtti. Salih YeniBirlik'e açıklamalarında bulundu.

Biz istediğimiz en önemli düşünce akademiye hergeçer, istediğimiz yayınlar, istediğimiz kitaplar, istediğimiz yazarlar, istediğimiz fikirler, istediğimiz her şeyi Türkiye'de bulabiliyoruz.



Biz istediğimiz en önemli düşünce akademiye hergeçer, istediğimiz yayınlar, istediğimiz kitaplar, istediğimiz yazarlar, istediğimiz fikirler, istediğimiz her şeyi Türkiye'de bulabiliyoruz.





Усмон Ҳақназаров: Мирзиёев тайинлаган амалдор пул ювишда гумон қилинмоқда

(Суратда: Хуршид Мирзоҳидов)

Каримовнинг халқ ва демократияга қарши режими натижасида юзага келган профессионал ва одобли кадрлар танқислиги, президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббусларини амалга оширилиши йўлида муаммолар яратишда давом этмоқда. Юқори даражали ҳукумат мансабларига ярим йил аввал тайинланган Мирзиёевнинг ўз кадрлари ҳам коррупция ва пул ювишда гумон қилина бошланди. Шундай қилиб...

Қандай қилиб Хуршид Мирзоҳидов икки миллион долларни ўзлаштирди?

Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан шу йилнинг май ойида бошланган, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (ЎзТВ) фаолиятини текшириш жараёнида, реклама берувчилардан олинган икки миллион долларнинг ўзлаштириб олинганлиги фактлари аниқланган.

Ушбу пул маблағини ўзлаштириш билан боғлиқ барча ҳужжатларда, шу йилнинг 2 феврал куни президент Шавкат Мирзиёев томонидан тайинланган ЎзТВ раиси Хуршид Мирзоҳидовнинг имзоси бор. Одам ҳали курсига

ўтиришга улгурмади, аммо катта миқдордаги пул маблағини ўзлаштиришга улгурди. Ҳозирда текширувчилар Х.Мирзоҳидовга қарши жиноят иши қўзғатишга журъат қилишмаяпти, чунки президент Ш.Мирзиёевнинг бунга қандай муносабат билдиришини билишмайди.

Аммо текширувчилар, пул ювиш ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига ажратилган ерларни ноқонуний ўзлаштиришда айбланаётган, ЎзТВнинг собиқ раиси Алишер Хўжаевга нисбатан аллақачон жинойи иш очиб бўлишган.

Текширувчилар, шу йўл билан Алишер Хўжаев ЎзТВда раислиги пайтида Ўзбекистон телерадиокомпаниясига тегишли “Кумушкон” пансионати ҳудудидаги ерни ноқонуний равишда хусусийлаштириб олганини ва у ерда ярим миллион долларлик дабдабали уй қурганини аниқлашган. Ишдан бўшатилгач у шу уйда яшаган, жиноят иши қўзғатилганга қадар виллани тарк этиш ва миллий телерадиокомпания ҳисобига қайтаришдан бош тортган.

Икки турли хил кадрлар: бири – Каримовники, бошқаси – Мирзиёевники. Аммо, иккаласи ҳам деярли бир хил ноқонуний молиявий операциялар амалга оширганликда гумон

қилинмоқда. Ахир президент Ш. Мирзиёев Мирзоҳидовни Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси деб аталувчи исловотхонага айнан молиявий, профессионал ва бошқа муаммоларни тартибга солиш учун тайинлаган эдику. ЎзТВнинг янги бошлиғи эса давлат маблағларини ўзлаштириб олиш васвасига қаршилиқ қилолмаган кўринади. Шундай қилиб...

Сўнгсўз ўрнида...

Каримов режимидан қолган ушбу коррупцияни енгиш учун фақатгина кадрларни алмаштириш етарли эмас. Бунинг учун давлат идораларининг фаолиятини шаффофлигини, уларнинг халққа очиклигини, сўз эркинлигини ва энг асосийси ички сиёсий саҳнада фикрлар хилма-хиллигини таъминловчи сиёсий ислохотларни амалга ошириш лозим.

Афсуски, ҳали Шавкат Мирзиёев фақатгина кадрлар алмашинуви ҳамда жамият ва иқтисодни эркинлаштириш бўйича бир марталик ташаббуслар билан чекланмоқда. Агарда релслар (тизим) ўзгаришсиз қолаверса, эски локомотивларнинг янгиси билан алмаштирилиши фақатгина минимал ўсишга олиб келиши мумкин: янги локомотивлар мажбуран эски, давлат учун ишга ярамайдиган ва зарарли йўналишдан юришади.

Биз бундай жиддий ислохотлар учун вақт, кадрлар ва молиявий ресурслар керак бўлишини яхши тушунамиз. Лекин шу билан бир вақтда бошланган ташаббусларнинг, айниқса кадрлар алмашинувидаги ташаббусларнинг кетма-кет натижа беравермаслиги, вақт ўтиб одамларнинг умидсизлигига ва президент ва унинг жамоасига бўлган халқнинг ишончини йўқотилишига олиб келиши мумкин.

Усмон ҲАҚНАЗАРОВ,
сиёсатшунос
31.05.2017

Шу кунларда ижтимоий тармоқларда ҳукуматда қабул қилинаётган янги фармойишлар ва қонунлар тўғрисида икки томон ўртасида мунозарлар бўляпти. Аммо қабул қилинган фармоннинг қанчалик амалиётда қўлланилаётганига ўзимиз гувоҳ бўляпмиз ва ҳоқимят органларида фармонлар ижросини таъминлашда сезиларли ўзгаришлар бўлмаётганини кузатяпмиз.

Жумладан, банклар фаолияти ва валюта айирбошлаш тизимини мисол қилиб олсак бўлади.

Чунки, хорижий давлатлар билан фаолият юритаётган кичик ва ўрта бизнес вакиллари ва чет давлатларда таҳсил олаётган талабалардан сўнги вақтларда кўплаб шикоятлар эшитишимиз мумкин.

Бу эса ҳукуматнинг қабул қилган ва қабул қилиниши режалаштирилаётган қарорлари ижросини ҳам савол остига олади.

Мисол қиладиган бўлсак, ҳозирги кунда Россия олийгоҳларидан бирида таҳсил олаётган бир нечта талабалар билан суҳбатда бўлганимда, асосий шикоятлар ўз вилоятларидаги банкларда валюта айирбошлаш билан жуда катта муоммоларга дуч келишаётгани ҳақида хабар беришди.

Суҳбат давомида талабалардан бири шартнома пулини шу ойнинг бошида тўлаши кераклиги акс ҳолда имтиҳонларга киритилмаслигини

айтиб хафа болиб, 3 ой давомида банкга бир неча марта мурожаат қилишганини ва банкдан ижобий жавоб ола олмагани айтди. Суҳбат давомида отасининг кичик оилавий бизнеси борлигини ва оилада 5 киши эканлигини айтиб, уйдагиларнинг йиғгани фақатгина шартнома пулига етаётганини таъкидлади.

Яна бошқа бир талаба сўзларида кўра валюта айирбошлаш билан боғлиқ муоммолар туфайли ўқишни

тадбиркорлар бу каби муоммолар туфайли тижорат фаолиятини тугатишга мажбур бўлишганига ҳам эътибор қаратишимиз мумкин.

Малакали кадрлар етиштириш ва аҳолини бандлик даражасини ошириш иқтисодиёт ва сиёсатнинг асосий тамойиллари бўлиб турган бир вақтда, бўлажак потенциал кадрларни йўқотилиши ва ўз атрофидагиларни иш билан таъминлаётган, ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган, валюта

Конвертация муаммоси чет элда таҳсил олаётган талабаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда

давом эттира олмаслигини, бунга сабаб эса шартнома пулини ҳар сафар қора бозор курсида валюта сотиб олишга тўғри келаётгани учун тўлай олмаётганини айтди.

Бу каби мисоллар нафақат Россияда балки бошқа МДХ давлатларида таҳсил олаётган талаба ёшлар орасида ҳам кўплаб учрайди.

Юқоридаги ҳолатларга қўшимча қиладиган бўлсак, хориж давлатлари жумладан Хитой, Корея республикаси ва Россиядан хом ашё сотиб оладиган ёки экспорт билан шуғулланадиган тадбиркорлар орасида ҳам тушган фойдани нақдлаштириш ёки давлат нархида валюта сотиб олиш билан боғлиқ муаммолар борлигини, кўп ҳолатда

тушумининг ресурси ҳисобланган кичик бизнесларнинг ёпилишига олиб келяпти.

Зеро, меҳнат муҳожирлари ортидан кириб келаётган валюта миқдорининг қисқаришини, ички кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан қоплаш, бир вақтнинг ўзида янги кадрлар учун иш ўрни, аҳоли ўртасида маҳсулот тури кўпайиши ортидан рақобатбардош маҳсулот кўпайиши ва потенциал экспорт маҳсулотлар яратиш бўлади.

Шундай экан амалдаги банк тизимида сезиларли ўзгаришлар киритилмас экан, аҳоли ўртасида четда таҳсил олиш ва бизнес билан шуғулланиш сусайиб бораверади.

Абдумалик Солиҳ

Мен қуйида фикрларимни баён этмоқчиман. Фикрларим мутлақо шахсий. Мақсадим кимндир айблаш, кимгадир нимандир исботлаш эмас. Диний эркинлик-биринчи навбатда кўрқувсиз ибодат қилишдир. Сизга қарата бир орган ходими: "намоз ўқийсизми?", деса рангларингиз ўзгариб кетиши эмас, аксинча, «албатта ўқийман», дея олишингиздир.

Диний эркинлик – жума куни фарзандингиз «отажон қаерга кетяпсиз, мени ҳам олиб кетинг» деса, «йўқ ўғлим, сенга мумкин эмас, олабўжилар киргизмайди» дейиш эмас, балки фарзандингизни жума куни ювинтириб, мушк анбарларни сепиб, қўлтигингизга жойнамозни олиб: «болам, сен билан бугун Аллоҳни уйга борамиз» деб, намозни адо этиб, қайтишда ширинликлар олиб беришингиздир.

Диний эркинлик – илм олиш мақсадида бир аҳли илмнинг эшигини тақиллатиш тугул, ҳозир замон нотинч, ўқимай тураверсин, дейиш эмас, «Юр болам, Аллоҳнинг каломини ўқишни ўрган», деб



Диний эркинлик нима у, биласизми?

бир инсонга шогирт қилиб беришингиздир.

Диний эркинлик – маҳалла комитетдан онаңгизни, синглингизни чақириб, рўмолни ечишни буюриш эмас. Вояга етган қизингизни мактаб, коллежда рўмолни ечиш, ҳаммани ичида шарманда қилиш, рўмол билан киргизмаслик эмас, аҳлингиз билан бемалол сатр ҳолатида юришингиздир. Мактаб,

коллежларда бемалол аврати ёпиқ ҳолда ўқита олишингиздир.

Диний эркинлик – имомларни мажлисга чақириб, калласида алиф ҳам йўқлар нима ҳақида гапиришни ўргатиш эмас, салласини тагида калласи бор имомларни ўзига қўйиб бериш. Дин сиёсатдан ажралган жамиятда, сиёсат ҳам динга аралашмаслик. Имомларни қандайдир органлар эмас, имомларни шу халқни йўлбошчиси бўлишга лойиқ кўрган халқ тайинлашидир.

Диний эркинлик – ёз кунлари айвонда уҳлаб ётсангиз будильник товуши эмас, балки азон садоси сизни бомдодга уйғотишидир.

Диний эркинлик – сиз тўйингизни Яҳудлар ва Насороларга ўхшаб эмас, Амру маъруф ва наҳий мункар билан утказишингизга монелик қилмаслик.

Диний эркинлик – паспортга суратга тушишга синглингиз ёки аёлингизни олиб борганингизда сўқимдек бир йигит «рўмолни

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

ечсинлар» дейиши эмас, қандай хоҳласа шундай ҳолатда ҳужжатга расмга тушишдир.

Диний эркинлик – чойхона, кафе ва ошхоналарда «намоз ўқиш мумкин эмас» деган ёзувни эмас, «намозхона» деган эшик тепасидаги ёзувни кўришингиздир.

Диний эркинлик – «мусофир эдим, намоз ўқиб олсам бўладими?» десангиз, тинчлигини ўйлаб «мумкин эмас» ёки «шароит йўқ» деган жавобни олишингиз эмас, «бемалол ўқиб олаверинг. Агар мен халақит қилсам чиқиб турай», деган инсонларни кўришингиздир.

Диний эркинлик – телеграм ёки ватсаптаги гуруҳдан келган биргина тақиқланган видеони кўрганингиз учун ўн беш суткалап қамалиб, итдек хор бўлиб, калтакланиб чиқиш эмас, телефонингизда хоҳлаган пайт маърузаларни эшитишингиздир.

Диний эркинлик – телевизорда бир тийинга қиммат отарчилару машшоқларни кўшиқларигина

эмас, қурон товушларини эшитишингиздир.

Диний эркинлик – машинангизда қурон ёки маъруза тинглаб кетаётганингизда бирор постга яқинлашганда маърузани ўчириб қўйиш эмас, қуронни эшитиб манзилингизга бемалол етиб олишингиздир.

Диний эркинлик – динингиз учун ватанингиздан қочиб чиқиб кетишингиз эмас, аксинча, динлари сабаб ватанларидан қочиб кетаётганлар учун кучоқ очишингиздир.

Диний эркинлик – биттагина масжид очилганидан хурсанд бўлиш эмас, минглаб ёпилган масжидларнинг очилишидир.

Диний эркинлик – Аллоҳ деб, буюрган фарзларини қилганларни қамаш эмас, минглаб қамокдаги инсонларни озод этишдир.

Диний эркинлик деганда ҳамманинг ўз қаричи бор. Ҳар ким ўзини қаричи билан ўлчади. Бугун минбарларда, кўча кўйда «бизда диний эркинлик бор» деганларни эшитиб, аквариумдаги балиқ

ҳаёлимга келади. Аквариумдаги балиқ учун ўша аквариум бутун дунё. Энг қулай шароитдир. У аслида бошқарилаётганини, нима беришса еб ётганини билмайди. У учун энг ҳавфсиз, энг тинч, энг шинам жой аквариумидир. Энг ачинарлиси эса у шу аквариумни бутун дунё деб билади. Уммон қаршисида нуқтадан ҳам кичик эканлигини билмайди. Мен ундай инсонларни айбламайман. Чунки улар ҳақиқий диний эркинлик нима эканлигини билишмайди. «Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан», деган гап бежиз айтилмаган экан.

P.S: Аллоҳ рамазони шарифда бизларга хотиржам ибодат қилишликни насиб этсин. Аллоҳ рамазон сабабдуоларимизни ижобат айлаб, диний эркинлик берсин. Қамокда қолаётганларни бизлар билан ифторликлар қилишларини насиб этсин. Беморларга шифо берсин. Динимизга нусрат берсин. Уруш бўлаётган жойларга тинчлик, офият ва омонлигини берсин. Золимларни хор қилсин.

Sayyid Islom

Ўзбекистон машина бозорларида янги ажиотаж бошланди

GM Uzbekistan ширкати ўзида ишлаб чиқарилган автомобилларни 1 июндан ўзбек сўмига сотишни бошлаши ҳақида эълон қилгач, Ўзбекистон машина бозорларида янги ажиотаж бошланди. Бозорда машиналар нархи бир кунда ўртача 20 фоизга қимматлади. Кўпчилик савдогарлар 1 июндан «машина салонларида қимматлармиш» деган гумонга асосан, уларни сотмай қўйган. Автосалонларда ҳам 29 майдан 31 майга қадар «инвентаризация сабаб» автомобиллар сотиш тўхтаган.

GM Uzbekistan ширкати мулозимларидан бири Озодлик билан суҳбатда 1 июндан мамлакатнинг барча автосалонларида машиналар ўзбек миллий сўмида сотилишини тасдиқлади:

– Муҳтарам президентимизнинг фармонлари бор. Ўзбекистон Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда «Узавтосаноат» GM Uzbekistan автомобилларини 1 июндан ички бозорда миллий валюта – сўмга сотишга ўтиш таклифига розилик берсин, деб 26 май куни фармон чиқарганлар, шу бўйича 1 июндан машиналар сўмга сотилади, – деди GM Uzbekistan ширкати мулозими.

Бу суҳбатдош, GM Uzbekistan автомобилларининг сўмда сотилиши улар нархига қандай таъсир қилиши ҳақида маълумоти йўқлигини билдирди:

– 1 июндан кейин машиналарнинг нархлари қандай бўлиши ҳақида

маълумот йўқ. Лекин, шуни айтишим мумкин ҳозир ҳамма салонларда инвентаризация бўлаяпти. Ҳозир янги тизимга тайёрланишяпти, – деди GM Uzbekistan ширкати мулозими.

Озодликка маълум бўлишича, GM Uzbekistan автомобилларининг сўмга сотилиши арафасида автосалонлардаги савдонинг тўхтатилгани муносабати билан машина бозоридаги нархлар ўртача 20 фоизга кўтарилган:

– Савдогарлар 1 июндан «машина қимматлармиш» деган ўйда машиналарини сотмай туришибди. Сотадиганлари 20-30 фоиз қиммат нарх айтишяпти, – дейди Тошкентнинг Сирғали автомобиль бозоридаги машина даллолларида бири.

Тошкент машина бозорининг кунда-шундаларидан бири, иқтисодчи Тоҳир Собиров ҳукумат қарори ижроси жараёнида автомобиль бозорида мавҳум вазият юзага келганини айтади:

– Аниқ маълумот йўқ. Машинани ҳақиқатан сўмга сотадими? Сотса, қанақа нархда бўлади? Масалан 4 минг, 5 минг долларлик машиналар бор. Агар уни давлат курсида ҳисобласангиз анча арзон машина бўлади. Энди ўшанинг нархи қанақа бўлади? Бугунги давлат курсига қараб белгилашадими ёки «қора бозор»га қараб нарх қўйишадими? Ҳозир шу саволлар очиқ турибди, – дейди Тоҳир Собиров.

Айрим экспертлар бу тадбир Ўзбекистондаги нақд пул тақчиллиги шароитида одамлардан нақд пулни йиғиб олиш ва қора бозорда АҚШ доллари қимматини ушлаб туриши учун қилинаётган амал эканини айтишмоқда. Тоҳир Собиров ҳам бу фаразларда жон бор, деган фикрда:

– Ҳозир «қора бозор»да бир АҚШ доллари 8500 сўмга етган. Эртадан машиналарни сўмда сотишса, одамлар қоплаб сўм олишни бошлайди. Сўмга талаб ортади ва ўз-ўзидан сўмнинг курси ошади. Буни авваллари ҳам қилишган. Аҳолидан сўмни олиб бўлишгач, яна машиналарни долларда сотишга ўтишган, – дейди Тоҳир Собиров.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг аксарият қисми экспорт қилиниши боис, ўзбекистонликлар олдиндан автомобил қаршининг 85 фоизини тўлашга ва бир йил мобайнида ўз хариди тайёр бўлишини кутишга мажбур.

GM Uzbekistan ширкати мулозими 2017 йил 1 июндан олдин тузилган шартномалар бўйича машина шартномада кўрсатилган нархда эгаларига етказиб берилишини айтди:

-1 июндан кейинги нархлардаги ўзгариш ундан олдин шартнома имзолаганларга тааллуқли бўлмайди, – деди GM Uzbekistan ширкати мулозими.

Йилига 250 минг дона автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга экани айтиладиган GM Uzbekistan кўшма корхонасида Nexia, Cobalt, Lacetti, Malibu, Gentra, Matiz, Spark ва Damas автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда.

Манба: «Озодлик» радиоси

18 йилдан сўнг мамлакатда ҳокимият ўзгаргани шарофати билан ўзбек қамоқхонасидан озод қилинган журналист Муҳаммад Бекжон озодликда ўтган дастдабки уч ойи ҳақида хикоя қилади.

63 ёшли Муҳаммад Бекжон 1999 йил февралда хибсга олинган ва 2017 йил 22 февраль куни озодликка чиқди.

Бекжонга, унинг укалари Рашид ва Комилларга қўйилган расмий айблов гўёки уларнинг 1999 йил 16 февраль куни Тошкентда амалга оширилган портлашларга алоқадорлиги эди. Ҳукумат муҳолифат ва исломчиларни ушбу портлашларни амалга оширишда айблаганди.



МУҲАММАД БЕКЖОН ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎЗЛАШТИРМОҚДА ВА КИТОБ ЁЗМОҚЧИ

Бу вақтда Бекжон оиласи билан Украинада яшарди, бироқ Тошкентдан юборилган сўровнома асосида қўлга олинди ва Ўзбекистонга жўнатилди.

Аммо Муҳаммад Бекжоннинг узоқ муддатли ва умидсиз маҳкумлик даври мобайнида унинг аслида нима сабабдан қамоққа ташлангани ҳеч кимга сир эмасди.

“Эрк” партиясининг расмий газетаси бош муҳаррири ва муҳолиф қарашда эканига қарамадан аслида унинг президент Ислом Каримов қасос ололмаган акаси, “Эрк” партияси лидери Муҳаммад Солиҳ учун жазо ўтаётганини ҳамма биларди.

Бекжоннинг сўзларига кўра айнан Каримовнинг ўлими ва ҳокимиятга янги лидер – Шавкат Мирзиёевнинг келиши унинг озодликка чиқишига имконини берган.

Бекжон ҳали ўзини 100% озод деб ҳисоблай олмаслигини айтади. Бир йил давомида у назорат остида бўлади ва демак у Ўзбекистоннинг Хоразм вилоятини тарк этиш ҳуқуқига эга эмас. Ҳозирда Бекжон у ердаги акасининг уйида истиқомат қилмоқда.

Собиқ маҳбус АҚШда яшаётган ва ҳозирча Ўзбекистонга кириш учун виза олишга муваффақ бўлмаган қизларини ҳалигача кўра олмаганидан афсусланади. Лекин у бир ой давомида ўзлаштирган турли хил мессенжерлар орқали улар билан мулоқот қилаётганидан хурсандлигини айтади.

Муҳаммад Бекжоннинг янги ҳаёти ҳақидаги бошқа тафсилотлар

Ц-1 интервьюсида берилган.

– **Ҳурматли Муҳаммад, айтингчи озодликнинг дастдабки уч ойида нималар билан банд бўлдингиз?**

– Турмадан чиққанимдан сўнг мен учун бир йиллик назорат ўрнатилди – бу вақт ичида мен нафақат Ўзбекистондан, балки Хоразм вилоятидан ҳам чиқа олмайман.

Америкадан турмуш ўртоғим Нинанинг мени кўриш учун келганига хурсанд бўлдим, қизларимга ҳозирча виза беришмаяпти.

Бир ой олдин амалиётни бошдан ўтказдим, ҳозирда реабилитациядаман.

Тошкентга бориб танишларим билан учрашишни жуда истардим. Сирғалида жойлашган уйимни қайтариб беришларини хоҳлардим – уйни мен хибсга олинган вақтда мусодара қилишган.

Уйимни ва Тошкент пропискамни қайтариб беришларини сўраб президентнинг виртуал қабулхонасига ёзмоқчиман.

Самарқанд ва Бухорони зиёрат қилишни жуда истардим.

– **Ўз келажагингизни АҚШ билан боғламоқчимисиз ёки Ўзбекистон билан?**

– Албатта Ўзбекистон билан – бу менинг Ватаним. Мен АҚШга қизларимни ва невараларимни бағримга босиш, уларнинг қандай яшаётганликларини кўриш учун боришни истардим.

– **Турмада ўтган вақтингизни эслайсизми?**

– Мен эндигина унута бошладим ва 18 йил мобайнида бошимдан ўтказган даҳшатни эслашни хоҳламайман. Айтишим мумкинки фақат сабр ва бардошгина ўзбек турмасида менинг тирик қолишимга ёрдам берди.

Дастдабки ва сўнги беш йил қийин кечди. Бошидаги беш йилда даҳшат ҳеч қачон тугамайдиғандек туюлди.

Менга янги муддат қўшиб беришгандан сўнг, мен умримнинг қолган қисмини турмадан ўтказаман деган фикрни ҳаёлимдан чиқаришга ҳаракат қилдим (2012 йили Бекжоннинг қамоқ муддати 4 йил 8 ойга узайтирилганди – Ц-1 изоҳи). Каримовнинг ўлими мени қутқарди.

– **Унинг ўлимидан қандай хабар топганингиз ва умуман турмада янгиликлардан қандай хабардор бўлардингиз?**

– Маҳбуслар атрофида ахборот бўшлиғи вужудга келади. Менга янгиликларни кам сонли учрашувларда асосан турмуш ўртоғим ва қариндошларим етказишарди.

Бир йилда бир нечта маротама уч-тўртта мактуб олардим. Фақат турмадан чиққанимдан сўнг билдимки менга журналистлар, ҳуқуқ ҳимоячилари ва оддий инсонлар қўллаб қувватлаб минглаб мактуб ёзишган экан.

Қизик, биз Каримовнинг ўлими ҳақида 3 сентябрь куниек эшитдик (Ислом Каримов расмий талқинга кўра 2016 йилнинг 2 сентябрь кунини

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

вафот этган – Ц-1 изоҳи).

Аммо мен нидир бўлганини ҳис қилдим. Каримовнинг жанозасидан сўнг турма маъмуриятининг менга нисбатан муносабати тўсатдан яхши томонга ўзгарди.

– Сиз Ўзбекистондаги қайси қамоқхонани энг қўрқинчли деб ҳисоблайсиз?

– Биринчи ўринда – “Жаслик” (Қорақалпоғистоннинг шимолида жойлашган, 1999 йили сиёсий маҳбуслар учун очилган – Ц-1 изоҳи) ва Навоийдаги 46-колония.

Тошкентдаги ИИВ ертўласида менинг оёқларимни синдиришди, “Жаслик”да эса кийноққа солишди.

Агар сиз мени ким урганини сўрасангиз мен ҳатто буни сизга айта олмайман: “Жаслик”да бошни кўтариш мумкинмас – бутун маҳбуслар фақат ерга қараб юришади.

Охириги беш йилни мен Зарафшон турмасида ўтказдим. У ерда шароит яхшироқ лекин мени ахборотдан ажратилган ҳолатда сақлашди.

– Ўзбек турмаларини ислоҳ қилиш учун нималарни таклиф қилган бўлардингиз?

Биринчи навбатда сиёсий маҳбусларни чиқариб юбориб зоналар сонини камайтириш керак.

Юсуф Рўзимуродов, Аъзам Турғунов ва Солижон Абдурахмонов каби журналистлар ҳали ҳам қамоқхоналарда қолишмоқда. Ва албатта кийноқлар ва адолатсизлик рамзи бўлган “Жаслик”ни ёпиш керак.

– Сизни Украинадан қандай қилиб ўғирлаб кетишганини эслайсизми?

– Ҳа, жуда яхши эслайман. 1999 йили буни кўтариб чиққан ягона инсон Украина Халқ Ҳаракати Партияси лидери Вячеслав



Черновил бўлди.

У ҳам биз туфайли қурбон бўлди деган шубҳадаман. Бизни Ўзбекистонга олиб чиқиб кетишгандан сўнг у Римдаги халқаро йиғилишда баёнот билан чикмоқчи эди. У улгурмади: унинг автомобили юк машинаси билан тўқнашиб ҳалок бўлди.

Мен билан бирга Украинада Муҳаммад Ражаб исмли яна бир журналист бор эди. Уни ҳам ўғирлаб кетишди ва у ҳали ҳам қамоқда.

Кучма (Леонид Кучма – 1994-2005 йилларда Украина президенти – Ц-1 изоҳи) бир йилдан сўнг украинalik журналистларнинг нега сиёсий маҳбусларни Ўзбекистонга берлингиз деган саволларига жавоб бераркан у буни билмаганини айтди ва узр сўради.

– Озодликда нима сизни ҳайратга солди?

– Ахборот соҳасида содир бўлган ўзгаришлар. Мен сенсорли уяли алоқа телефонини, интернет, скайп ва ҳоказоларни қандай ишлатишни билмасдим. Бир ой давомида шуғулландим ва ўргана олмай қолган нарсаларимни

ўзлаштиришга ҳаракат қилдим.

– Сизга нафақатайинланганми?

– Нафақа тайинланганига уч йил бўлди. Энди расмийлик ишлари билан шуғулланмоқчиман. Тўғри, менга фақат энг миқдор бўлган 150 минг сўмлик (қора бозор қиймати бўйича 18 долларга тенг) нафақага умид қилишимни айтишган.

– Сиз мамлакат, янги ҳукумат ва президент ҳақида қандай фикрдасиз?

– Ўзгаришларни кўряпман, тўғри ҳозирча улар кўп эмас. Лекин мен кўчага чиқиб одамларнинг эркин мулоқот қилишаётганини, ҳукуматнинг камчиликлари ҳақида гапиришаётганини кўряпман. Каримов режими вақтида буни тасаввур қилиш қийин эди.

Агар Шавкат Мирзиёев бўлмаганида мен ҳали ҳам турмада учинчи муддатимни ўтаётган бўлардим.

Йил охиригача қолган сиёсий маҳбусларни ҳам чиқариб юборишади деб умид қиламан.

Мирзиёевга Каримовдан жуда оғир мерос, шу жумладан унга ёрдам бермасдан кўпинча тўсқинлик қиладиган унинг командаси қолди.

– Акангиз Муҳаммад Солиҳ билан алоқа қилиб турасизми? Ундан хафа эмасмисиз?

– Ундан нега хафа бўламан? У ҳаммасини тўғри қилди: агар у Каримов олдида тиз чўкканида мен уни кечирмаган бўлардим. Менга неча марта озодлик ваъда қилишиб уни сотишимни сўрашди. Мен рад қилдим – яхшиси турмада ўлиб кетганим яхши дедим. Агар биз уни сотган тақдиримизда ҳам барибир Каримов бизни кўйиб юбормаган бўларди.

– Интервью учун катта раҳмат сизга Муҳаммад, саломат бўлинг!

ЎХХ ахборот бўлими





Рустам Азимов бош вазир ўринбосари лавозимидан озод қилинди

Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Макроиктисодий ривожлантириш ва хорижий сармоялар комплекси раҳбари Рустам Азимов лавозимларини топширган.

Рустам Азимовнинг лавозимлардан ўз ихтиёри билан кетганми ва ё буйруқ асосида ишдан олинганми аниқ эмас.

Ўзбекистондаги нашрларда унинг ўрнига Молия вазирининг биринчи ўринбосари Жамшид Қўчқоров тайинлангани ҳақида айтилмоқда.

Мархум президент Ислоҳ Каримовнинг меросхўрларидан бири деб кўриладиган Рустам Азимов Шавкат Мирзиёев президент этиб сайланганидан кейин бирин-кетин лавозимларидан жудо бўла бошлади.

Ўтган йил охирларида Молия вазири ва Бош вазирнинг биринчи ўринбосарлигини топширган ва Мирзиёевнинг чиқишларида кетма-кет танқид нишонига айланиб қолган эди.

Икки Рустамдан бири кетди...

Ўзбекистон ҳукуматидаги ўзгаришларни яқиндан кузатиб келаётган манбалар ва мустақил журналистларга кўра, Мирзиёев Рустам Азимовни аввалдан ўзи учун жиддий рақиб санаб келган.

Бундан бир ярим ойча аввал Reuters ахборот агентлиги Ўзбекистон ҳукуматидаги қудрат доираларини манбаларига таяниб таҳлил

қилганди.

“Ўзбекистон ҳукуматидаги манбаларга иқтибосан хабар беришича, Ислоҳ Каримов ўлимидан сўнг Президентликка сайланган Шавкат Мирзиёев амалда қудратни яна икки шахс, Бош вазир ўринбосари Рустам Азимов ва МХХ раҳбари Рустам Иноятов билан “бўлишарди”.

Reuters манбаларига кўра, “Ғарб томонидан ислоҳотчи сифатида кўрилган Рустам Азимов ҳозирда “четга чиқарилмоқда”.

Reuters: “Бу Марказий Осиёнинг аҳолиси энг кўп мамлакат бошқарувида асосан икки шахсни қолдириб, қарор қабул қилиш жараёнини соддалаштириш эҳтимолини туғдиради”.

“Лекин қудратда қолаётган икки шахс ўртасидаги танглик ҳам сақланиб қолмоқда”.

Reuters манбаларига кўра, Мирзиёев ўзини ислоҳотчи қилиб кўрсатишни истайди.

Лекин ўта эҳтиёткор Иноятов иқтисодий ва валюта эркинлиги каби нисбатан кескин ислоҳотларга қарши.

Ислоҳ Каримов командасида бўлган ва ҳозирда Ўзбекистондаги энг қудратли куч тизими раҳбарлик қилаётган Рустам Иноятов билан президент Мирзиёевнинг муносабатлари мустаҳкам эканига ишора берувчи далиллар оз.

Манба: Би-би-си Ўзбек

Қаҳрамон она

Кўкон хонлигида генерал унвонига эга бўлган қаҳрамон онахонимиз ҳақида Г. Таубенинг “Олой маликаси” китобида ёзилишича (Қозон, 1889 йил), қирғизлар раҳнамоси Олимбек додхоҳ 1865 йили Чимкентда русларга қарши бўлган жангда оғир яраланиб шаҳид бўлгач, халқ унинг эллик икки ёшли хотини Қурбонжонни додхоҳ қилиб сайлади.

Аммо маккор рус босқинчилари бу жасур, оқила, матонатли аёлни қурол кучи билан енгишга йўл тополмай, фитна-алдовга ўтишади.

Туркистон генерал губернатори фон Кауфман Қурбонжоннинг икки саркарда ўғли Абдуллабек ва Ботирбекларнинг фаолиятини чеклайдиган алдов шартномага имзо чекишга мажбурлайди.

Бошқа ўғли Маматбек ва икки набирасини Сибирга сургун қилишади.

Кенжа ўғил Қамчибекни эса Ўшда дорга осадилар.

Додхоҳ ўғлининг дорга осилаётганини ўз кўзи билан кўриб турган. Соқчиларсиз қатл жойига келиб, ўғлининг жазога тортилишини миқ этмай кузатиб турган ва ялиниб келиш ҳақидаги русларнинг умидини пучга чиқарган.

Агар ўшанда Қурбонжон додхоҳ битта ишора қилиб қўйганида Олойнинг жамики қирғизлари-ю ўзбеклари отланиб, унинг ўғлини қутқариб қолишарди.

Аммо доно аёл халқнинг минглаб ўғлонлари қурбон бўлганидан кўра ўз ўғлининг қатлига гувоҳ бўлиб туришни афзал кўрди.

Абу Муслим
facebook.com

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Мустабид Каримов
Ўзбекистонни ялпи назоратда тутиб туриш учун давлат идорасида Ленин ва Сталин қўллаган давлат террорини удумга айлантирди. Бу машинакомигатушган ўн мингларча инсон 27 йил давомида қамокларда қийновга солинди, ўлдирилди, майиб қилинди. Бу бахайбат ва даҳшатли машинани ҳаракатга келтирган, унинг қусурсиз ишлаб туришини таъминлаган “хизмат персонали”нинг сони ҳам ақл бовар қилмайди даражада юскак: миллионларга етади.

Янги раҳбар Мирзиёевнинг бу аксилсоний режимни ўзгартириш учун қилаётган заиф уринишлари юқорида айтилган даҳшатли машинани металлломга топиширмасдан туриб ҳеч бир натижага эришмаслиги кундай ойдиндир.

Ҳатто бу машина Мирзиёевнинг ўзига ҳам бир таҳлика унсури экани борган сари бўртиб кўринмоқда.

Бу қабоҳат салтанатининг аскарлари бугун ҳам актив фаолиятдадир.

Улардан биз билганикитасининг исмини фош қилиб, инсонларни хушёрликка чакирмоқчимиз.

Улардан бири КГБ подполковниги Бахтиёр Топиловдир. Бу кимса Совет даврида КГБ тарафидан таъсис этилган “Ватан” жамиятининг ходими бўлган. Топиловнинг вазифаси чет элда яшаётган ўзбеклар ичида иш



ХУШЁР БЎЛИНГ: МХХНИНГ “ХОС ИМОМИ”!

олиб бориб, потенциал “ватан хоинлари”ни тасбит этиш ва уларга қарши чора кўриш бўлган.

Б.Топилов 2007 йилда Ўш шаҳрида ўзбек “чекистлари” тарафидан қатл этилган журналист Алишер Соиповни йўқ қилиш амалиётида билвосита иштирок этган шахсдир. Унинг Алишер отиб кетилмасдан 3 кун олдин журналистнинг уйига келиб, унга таҳдид қилгани ҳақда билгилар мавжуд.

Бундан ташқари Топилов “тижоратчи” никобида Истанбулда фаолият кўрсатар экан, журналист Соипов билан суҳбатлашиб, унинг

тайёрлашда гумон қилинапти.

Бу кимса ўзини доим “тўраларданман” деб тақдим этадиган, Наманган масжидларидан биттасида имомлик қилувчи Валихон (Абдували) Юсуповдир.

Бу нусха МХХнинг “хос имомлари”дан. Фақат Наманган эмас, Тошкентда ҳам МХХ эшигини тақиллатмасдан кираолиш “мақоми”га эришган. Бу дин тужжори, соҳтакор имом МХХга “донос” қилиб, жуда кўп мусулмоннинг бошига етган, жуда кўп иймонли инсонларнинг қамалиб кетишига сабабчи бўлган.

Бу шахснинг яна бир қабих жиҳати бор: у тижорий баҳоналар билан инсонлардан ўн мингларча доллар пул олиб, қайтариб бермайдиган, қайтариб бериш у ёқда турсин, берган пулини сўраб келганларни ўзининг МХХга яқинлиги билан кўрkitиб, бойлик орттираётган бир маҳлукдир.

Бу нусха шу кунларда тўплаган ҳаром пулларини Туркияда қийматлантириш учун жонбозлик кўрсатиб юрибди. Туркиядаги ўзбекларни, айниқса мусулмон жамоатларни огоҳлантириш бизнинг мусулмонлик бурчимиздир.

Бу икки хоиндан эҳтиёт бўлингиз.

Хасан Мусулмон
Манба: facebook.com



Каримов режимида қарши мақолалар тайёрлаётганини ўрганган, бу ҳақда Ўзбекистон МХХсига ихбор этиб, Наманган ТВсида Соиповни қораловчи программалар уюштиришда қатнашган.

Биз тилга олмоқчи бўлган иккинчи шахс ҳам айнан шу Наманганда яшайди. У ҳам Алишер Соиповни таниган ва унга қилинган суиқасдни

Ақлсиз кўзилар

Ҳеч кўрганмисизлар чўпонлар кўй-кўзиларни тоққа олиб кетаётганини?

Тахминан уч-тўрт юзта кўзига 3-4 та отлик ва яна шунча пиёда чўпон, 5-6 та ит минг қийинчилик билан кўзиларни тоққа ҳайдаб кетади, кўзилар ўзини уёқдан буюққа уради. Чўпон югурган, ит югурган, ҳаттоки шу ўз номи билан кўйдек ювош бўлган кўзиларни ҳам бўйсундириш қийин кечади бечора чўпонларга.

Бир сафар водийдан Тошкентга кетаётиб шунақа кўй подага рўбарў келиб қолдим, вақт бемалол бўлгани учун тўхтаб, кузатдим. Чўпонларни биттаси ёш йигитча экан, кўйларни бекорга бекорга камчилаб, қийнаб, кўнгил хушлик қилиб кетарди. Унга шу ҳам камлик қилиб, битта кўзини оёғидан ушлаб қийнади, қийнашни бошлаши билан совлик (урғочи) кўйлар бараварига бақириб, “мараб” тўпаланг қилиб ташлади. Кўйлар ҳар ёққа ўзини уриб чўпонларни ваҳимага солди. Бир-иккитаси карама-қарши йўлга ўтиб, машиналарни тагига кириб кетай деди. Битта катта кўчқор ҳалиги чўпон болани орқасидан келиб, бир калла кўйиб, ағдариб юборди, бола ўзини ўнглаб қочмоқчи эди, ёнбошдан яна бир ола кўчқор келиб “қаллалади”. Хуллас, роса томоша бўлди. Томошани охирида чўпонларни каттаси ҳалиги болани роса уришди “зияним, иккинчи бундай қилмагин, булар сенга одам эмас, нима қилсанг ақлини ишлатиб тинчлигини ўйлагани, буларни ақли йўқ, босимни оширворсанг назоратдан чиқиб кетади, буларни кўнглига қараш керак, кўй дегани нима қилсанг ҳам жим туради дегани эмас”, деди.

Ақлли кўзилар

Кеча учинчи кунки масжидимизда тарових намози ўқиямиз. Тахминан 1500-2000 атрофида одам келяпти намозга. Масжид ичидаги ҳолатни кўриб кўзингиз қувонади, ташқаридачи? Биринчи кун милиция ходимлари ёш болаларга индамади бўш қўйиб берди, жуда хурсанд бўлдим “ҳамма тўсқинликлар ўлган президентни ташаббуси эканда?!” деб, ҳар кун қиладиган “дуомни” яна бир бор қилиб қўйдим.

Лекин сал шошилган эканман, иккинчи кундан бошланди, ўтган йили 3-4 та милиция ходими турган бўлса, ҳозирда 13 та ходим



Аҳволимиз ачинарли

астойдил хизмат қилиб, иложи борича болаларни ўтказмасликка ҳаракат қиляпти. Ўғлини етаклаган оталар (совлик, урғочи кўйларчалик эмас) дарвозани олдида тўхтатган ходимга кулиб, хурсандчилик билан қараб “бўлди гап йўқ, йўғе, умуман хафа бўлиш йўқ, қонун “ест” қонун, бўлди кирмайди”, деб ўғилларини катгароқ бўлса қайтариб юборяпти. Кичкина бўлса «ўғлим машинада ўтириб тулинг-а, ҳа яшанг “дагар”, ўғилболада, ота ўғил, кўз тегмасин роса ақлли бола бўляпти” деб, нажот эшигидан ҳайдаётган “ментга” мақтаб, ўзи масжидга кириб кетганини ҳам кўрдим.

Кеча шу иш ўзимни ҳам бошимга тушди. Ифтордан кейин ўғлим велосипедда масжидга кетди, тахминан ярим соатлардан кейин ўзим ҳам орқасидан чиқиб бордим. Бемалол машинадан жой намозни олиб, учраган таниш-билишлар билан саломлашиб, ҳазил-хузул қилиб масжид дарвозаси олдида борсам, ўғлим дарвоза олдида турибди “ие, ха?” десам, «милиция ичкарига қўймади» деб, умид кўзи билан менга қараб турибди. “Қани юрчи”, деб бирга масжидга қараб юрдик, эшикни тагида баробар учтаси ёпишди «ака, мумкин эмас ёш болага» деб, ман: “Бу ёш бола эмас, ўн саккизга тўлган” десам, “йўқ, йигирмадан пастини киргазманглар, деган фармон бор” деди, “Қани ўша фармон кўрсатингчи?” десам, “ОЛХ” га кирсангиз кўриб оласиз, фармонни кўрмаганингиз бизнимас, сизни айбингиз”, дейди.

Хуллас, тахминан 20-25 минут тортишиб туриб қолдик, у десам, бу дейди, бу десам у дейди.

Битта формада дафтар кўтариб олгани келиб:

– Ака, тушунган одам экансиз, ёшлар нима қилади масжидда? Ундан кўра ўқисин,- деди.

– Хўш, ҳозир ярим кечаси нимани ўқийди? Кейин мани танимас экансиз, ман тушунмаган одамман, манга ўша фармонни кўрсатинг, сизлар ўтган йилги гапни кўтариб юрисизлар, шахсан янги бўлган Президентимизни ўзи чиқиб масжидларга хайрихоҳ эканлигини билдирапти.

– Хоҳлаган жойизга боринг, ҳаттоки “облҳокимга” шу мурожаат билан чиққанларни «мени аралаштирмай ҳал қилинглар» деяпти,- дейди.

Охири кўрқитишга ўтди,

– Фамилия исмингизни айтинг, эртага гаплашамиз сиз билан.

– Палончи пукунчиев. Энди сиз ҳам айтинг фамилия исмингизни дедим,- у ён бергиси келмади.

– Ўғлингизни исм, фамилияси?

– 1998 – йил 2-сентябрда туғилган. Исм фамилиянгизни билишга ҳаққим борми?


– Ака, сиз билан эртага 213-хонада гаплашамиз, ҳозирча кираверинглар, деди. Ўғлимни олдида юзим сал ёруғ бўлди, Алҳамдулиллах!!!

Бу орада фарз намоз бошланиб тугаб ҳам бўлди.

Алам қилгани уларни тўхтатиб киргазмагани эмас, алам қилгани ўнта чўпон икки мингга яқин одамни “марашига” йўл қўймайдиган даражада бўйсундириб олгани. Бизни шаҳар жуда кичкина, ҳамма бир-бирини танийди. Олдимиздан ўтиб масжидга кириб кетаётганларни 50 % танийман, улар ҳам мани танийди, лекин бирортаси “ҳа, тинчликми?”, дея олмади. Аҳволимиз ачинарли, бунақа тинчликдан кўра ҳар-ҳарда нотинчлик бўлиб тургани яхшимасми деворгин келади.

Биз бугун масжидга қўйилмаётган болаларни ҳимоя қила олмас эканмиз, уларни Қуръонга муҳаббатли, динудуёнаглик этиб тарбия қила олмас эканмиз кейин кеч бўлади. Бугун масжиддан қайтарилганларни эртага пул билан ҳам, куч билан ҳам масжидга қайтара олмаймиз. Кўрқинчлик, ўзидан, миллатидан, динидан ор қиладиган авлод шаклланади. (с)

P.S: Илтимос! Рамазонда фитна, бекорчи гап ва ҳоказо ва ҳоказо дейилмасин. Гапи борлар рамазонда ҳақиқий фитна қилиб, шайтонни ишини қилаётганларга бориб гапирсин.



Биз Ўзбекистонда эмасмизми?..

Эрталаб уйдан чиқишингиз билан “на себя”, “от себя”, “мы открылись” деган ёзувларга кўзингиз тушганми? Албатта! “Фархадский”, “Алайский”, “Сергели” деган сўзлар кулоққа эшитилганми? Унга ҳам жавоб – “албатта”!

Мен рус тилини ёмон кўрмайман, душман эмасман, лекин биз қаердамиз? Бу диёрнинг асосий миллати, давлат тили қайси?

Бунга “Узрепорт”дан қуйидагича жавоб топдим: “Ҳар йили 21 октябр юртимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун сифатида кенг нишонланади. 1989 йил 21 октябр куни “Давлат тили тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим қадамларидан бири бўлган эди. Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги рухий-маънавий боғлиқлик тил

орқали намоён бўлади. Она тили – миллатнинг руҳи ҳисобланади”.

Унда айтинг-чи, бизнинг “руҳимиз” қани?

Москвада қирғиз миллатига мансуб бир киши менга шундай деган эди: “Биз тилимизни шунчалик авайлаб-асраймизки, уни уринтириб қўймаслик учун ҳатто у тилда гапирмаймиз...”

Бу аччиқ қилиб айтилган

гап замирида нелар борлигини сезяпсизми? Уни энди қайта тиклаб бўлармикин? Биз ҳам “ўша мартаба”га қараб кетмаяпмизми? Нега биз ўзимизнинг тилимиздан, элимиздан, дилимиздан кечамиз, уяламиз? Биз киммиз? Рус тилида сўзлашадиган замонавий ўзбекмизми? Ёки русча гапириш, гапларимиз орасига тикиштириш замонавийлик белгисими? Замонасида нега Алишер Навоий ҳазратлари деярли уни ўчиб бораётган туркий тилида бонг урганларини биласизми? Агар у киши шижоат қилмаганларида бугун биз бу тилда бийрон-бийрон сўзлаётган бўлармидик? Агар бугун биз ҳам эътиборсиз бўлсак, эртамыз, келажакимиз нима бўлишини тасаввур қиласизми? Бугунги кунда борган сари ҳар бир ишимиз, хушимиз, эълонимиз, яхшимиз, ёмонимиз фақат рус тилида жимжимадор қилиб безатилмаяптими?

Эътибор берганмисиз, кўча-кўйларда, деворларда, дарахтларда

ёпиштириб қўйилган кичик-кичик қоғозлару катта-катта матоларда онда-сонда учраб турадиган ёзувларнинг айримларигина ўзбекча бўлмаса, қолганларининг аксарлари русча эмасми?

Хўп, Тошкент шаҳрида русийзабонлар учраб туради дейлик, водийлар, воҳаларда-чи? Хўп, яна айтайлик, русийзабонлар борлиги учун русча ёзаяпмиз десак, нега Бухорода, Самарқандда тожикча, Хоразмда туркманча, Наманган четларида қирғизчаю, Андижоннинг айрим ерларида уйғурча ёзмаймиз? Тошкентда-чи? Қозоқлар йўқми? Албатта, бор! Уйимизни сотиш, машинамизни савдога қўйиш, дўконимиз, устахонамизни очиш учун “мы открылись” деб ёзиш шартмикин? Россияга борганмисиз? Ўзбеклар гуж-гуж қайнаган, харидорлари, ошпазлари, ҳатто мижозлари деярли 100 фоиз ўзбеклар бўлган ошхонада бирор донга ўзбекча ёзув кўрганмисиз? Бўлса бордир, лекин мен кўрмаганман. Ўзбекистондан кўчиб кетган руслар ҳам ўзбекча гапирмайди. Ўзбекистондаги ўзбеклар русча гапирганда улар нега ҳам гапирсин, тўғри эмасми?

Миллатимиз, давлатимиз тилида ёзиш, сўзлаш хунукми ё ундан уяласизми? Мен уялмайман. Фахрланаман ҳатто! Ана энди сиз айтинг-чи, муҳтарам уялганлар, ор қилганлар ва яна мутасаддилар, БИЗ ҚАЕРДАМИЗ, ЎЗБЕКИСТОНДА ЭМАСМИ?...

Салим АЙЮБИЙ
Манба: hilol.uz

Дунёдаги энг хайрли, энг яхши шаҳар – Мадина! Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрган, қучоғига олган шаҳар! Бир вақтлар ҳазрати Билал розияллоҳу анхунинг овозлари ила уйғонган шаҳар! Юзлаб, минглаб саҳобаларнинг қадами теккан шаҳар! Бугун бу шаҳарда ҳамма нарса ўзгарган, янгиланган. Лекин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ва саҳобаларни эслатиб турадиган бир маскан бор: Бақиъ ул-фарқод қабристони! Қаранг, бу жойда кимлар ётибди:

1. Иброҳим ибн Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам.
2. Фотима бинти Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам.
3. Зайнаб бинти Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам.
4. Руқайя бинти Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам.
5. Умму Кулсум бинти Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам

Дунёдаги энг хайрли, энг яхши шаҳар – Мадина!

6. Оиша бинти Абу Бакр
7. Ҳафса бинти Умар
8. Ҳинд бинти Абу Сўфён
9. Умму Ҳабиба Ҳинд бинти Абу Умайя,
10. Умму Салама
11. Зайнаб бинти Жаҳш
12. Зайнаб бинти Хузайма
13. Софийя бинти Ҳуййи
14. Жувайрия бинти Ҳорис
15. Софийя Умму Зубайр бинти Абдулмутталиб
16. Райҳана бинти Шамун (р.а.)
17. Мориятул Қибтийя (р.а.)
18. Ҳалима ас-Саъдийя (р.а.)
19. Умму Руммон (Оиша онамизнинг оналари)
20. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анху
21. Ҳасан ибн Али розияллоҳу

- анху
22. Аббос ибн Абдулмутталиб розияллоҳу анху
23. Усмон ибн Мазъун ал-Қураший розияллоҳу анху
24. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху
25. Абдуллоҳ ибн Абу Бакр розияллоҳу анху
26. Убай ибн Каъб ал-Ансорий розияллоҳу анху
27. Абу Ҳурайра ад-Давсий розияллоҳу анху
28. Усома ибн Зайд розияллоҳу анху
29. Саъд ибн Муоз розияллоҳу анху
30. Умму Сулайм бинти Малҳан (Анас розияллоҳу анхунинг оналари)

Алишер Назар

(“Муборак кунлардаги мулоҳазалар” рукнидан)

Дин ва сиёсат... Яратиш ва яратилиш... Дунёнинг ибтидоси ва интиҳоси... Бу мавзулар ҳақида тарих тўла сабоқ бўлишига қарамасдан инсониятнинг қанча фоизи бу дарсликлардан унумли улушини олди-ю, қанчаси мосуво бўлди?

Бизбугундунёнинг қаеридамиз-у, диннинг қаеридамиз? Дунё ким учун яратилган эдию, дин ким учун эди: махлуқотлар ичида шарафли қилиб яратилган Одам ва Ҳавво ҳамда уларнинг қиёматгача давом этадиган насли – умуминсоният учун эмасмиди?

Вақт ўтиши билан ирқларга, миллатларга, элатларга, қавмлар, уруг-аймоқлар, диний ё-да дунёвий гуруҳларга бўлиниб-бўлиниб, бир-бирига ёв чиқаётган Одам болаларининг Ҳақни таниши, ўзлигини англаши, ер юзида тинч-тотув, соғлом ва гўзал бир ҳаёт кечириб, сўнг Яратувчилари хузурига ёруғ юз билан қайтиши учун жорий этилмаганмиди илоҳий таълимот? Худди шу сабабдан ер юзига пайғамбарлар юборилиб, ваҳий ила муждалар келган, кўкдан Китоблар индирилмаганмиди?...

Асрлар бўйи тараққиётнинг юксалиши ва инсоний зехниятнинг қувватга тўлиб бориши, еру кўк илми ҳамда дунё ва охиротга доир жами билгилар, маълумотларни ўрганишга бўлган кучли бир эҳтиёж, руҳий ташналик этилган бир паллада энг мукамал дин – ислом дини умуминсоният учун жорий этилди. Ҳақнинг энг сўнгги пайғамбари Муҳаммад (саллоллоху алайҳи вассаллам)га ислом динининг хужжати ўлароқ муқаддас Китоб – Қуръони Карим, яъни Оллоҳнинг каломи оят-оят, сура-сура индирилди.

Оллоҳнинг каломи, буйруғи, кўрсатмаларига том маънода амал қилган сарвари ИНСОН – Муҳаммад алайҳиссаломнинг ибратли ҳаёт йўли ва Ҳақ нурига йўғрилган ҳар бир муборак лутфи-каломи, саҳиҳ ҳадисларга жо этилган суҳбат-ўғитларининг ўзи умуминсоният учун буюк бир сабоқ, буюк бир дастуруламалдир.

Қуръони карим ва ҳадиси шарифни энг инжа маъноларигача ўрганиб, исломий таълим-тарбия воситасида камолга етиб, илм-фан чўққиларини-да забт этган, неча-неча асрлар ўтса ҳам, хануз башар аҳлининг ақлини порлоқ ва

Дин ва дунё...

нурли тафаккур кўзгусига ҳайрон қаратиб турган Ҳазрат Навоий, ибн Сино, Беруний, Форобий, Мирзо Улуғбек, ат-Термизий, ал-Хоразмий, ал-Бухорий сингари даҳо аждодларимизнинг дунё тамаддунига қўшган муносиб ҳиссаларини ким инкор эта олади, ахир? ...

Буюк ва шонли тарихнинг зарварақларига то қиёматгача номи ўчмайдиган қилиб муҳрланган аждодларимиз сиймоси кўз ўнгимизда тураркан, ҳар икки гапнинг бирида улар билан фахрланишимизни таъкидлар эканмиз, унда нега сўнги юз йилликлар ичида сиёсат устига келаётганлар сиёсатни бир девор ўлароқ қўлланиб, дин ва дунёни бир-бирдан ажратишни ўзлари учун бош мақсад қилиб олдилар?

Ҳатто “Дин – эскилик саркити”, “Дин – таракқиёт душманидир”, дея инсониятга ўз Яратувчисини инкор этувчи “ақлли” таълимотлар бериб, гўё одамзотнинг қадим аждодлари ҳайвонга – маймунга бориб тақалишига “далил” сифатида китоблар ёздириб, бунақа “олим”ларнинг “зако”сини ўзлари олиб бораётган сиёсатнинг ўнг планига чиқариб қўйдилар? Бу “таълимот”га ким ишонди, ким ишонмади? Бу, энди ҳар кимнинг қувваи ҳофизаси, ақлу камоли, иймон-этикодига ҳавола...

Энг ёмони, Ҳақ Яратувчисини инкор этмаган этикоддилар, диний уламолар, тиниқ тафаккур соҳиблари қатлиом қилиндилар, муттасил... Бунинг оқибатида одамзот қаерга келиб қолди бугун? Нимани топди-ю, нимани бой берди? Топганлари муҳиммиди ё йўқотганларими?

Дин ва дунёни айри-айри ерга қўйиш тушунчаси бугун ҳам баъзи сиёсатчиларнинг ақлидан ҳеч кетмаётганлигини кўриб-кузатиб турибмиз. Шу ўринда бир ҳақли савол ўртага чиқади: Хўш, сиёсатга кўра фақат дунёвий билги ва ташвишлар, машвараатлар билан машғул бўлсак, унда иймон-этикод йўлидаги яшамларни, тушунчаларни, дунёга не-не даҳоларни етказиб берган диний таълимотларни – илоҳий Китобларни, пайғамбарлар, авлиёу анбиёлар, олиму уламолар, энг етук шоиру шуаролар, мутасаввуфларнинг ибратли, нурли

ҳаёт йўлларини башар тарихининг қаерига қўямиз?...

Нега “Аллоҳ ҳар кимнинг қалбида, юрагида бўлиши керак”, дейлади-ю, қалби ибодат истаб, Аллоҳнинг амрини бажаришга азму қарор этганлар кўпинча таъкиб остига олинади? Этиқодлироқ бир инсон халққа тўғри йўл кўрсатиш мақсади ила бирор ўғит айтса дарров “Диндорлар сиёсатга аралашмасин”, дея таъна тошлари отилади-ю, сиёсат аталмиш йўриқ юз йиллаб, етмиш йиллаб, йигирма беш йиллаб халқнинг шундоққина кўзига қараб ёлгон сўйласа ҳам, этиқодли зиёлиларни вақти-вақти билан қатағон ўроғи ила “ўриб” ташласа ҳам, диндорлар ишига мутлақ аралашса ҳам уларни инсофга чақирган кишилар “хоин” ё “жиноятчи” деб аталаверади? Ўз сўзига ўзи амал қилмайдиган, иккиюзлилик, субутсизлик йўлини тутадиган сиёсат халқни ўзидан бездиргани етмаганидай ўзи ҳам боши берк кўчага кириб қолиши тарихда бот-бот исботланган ҳақиқат. Шунга кўра қарор қабул қилиш ҳар одил ва оқил сиёсатчининг ҳиммати, хислатига тобе бир вазифадир.

Инсониятни нафси судрақлаб олиб бориб қўйган зулмат кўчаларидан ёруғ ва буюк Ҳақ йўлига олиб чиқиш учун юборилган пайғамбарлар – Оллоҳнинг элчиларини тарихдан гўё “ўчириб” ташлаб, нимага эришамиз ва қаергача борамиз? Умуман, сиёсатдаги “Тарихни ўрганмай туриб, келажакка қадам ташлаб бўлмади!” деган тантанавор хитобнинг маъно-мантиғи қаерда қолади унда?...

Жамиятдаги мавқеи, мансаб ва амал поғонаси, касбу коридан қатъий назар, ўзини онгли мавжудот ҳисоблаган ҳар бир инсон шу ва шу каби саволлар қаршисида албатта тўхтайти, жавоб излайди, фикр юритади. Бунинг учун ё диний ёки сиёсий арбоб бўлиш шарт эмас... Ўзликни англаш йўлидаги бир эҳтиёж бўлса кифоя...

Бугунги инсоний жамиятнинг бир бўлаги сифатида ҳаётимизда кечаётганвоқеа-ҳодисаларга бефарқ қараб туришга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Кимга ёқиб, кимга ёқмаслигидан қатъий назар, дин ва дунё хусусида шууримизнинг “товуши”, қалбимизнинг “овоз”ини замондошларимиз

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

билан ўртоқлашиш маънавий ҳуқуқимиздир...

Советлар мафкураси “Дин-афюнدير” дея уқтиришга уринган бўлса, бугунга келиб террор аталмиш мудҳиш жиноятни содир этаётган манқуртлар гуруҳини ислом динининг “юзи” қилиб кўрсатишга зўр бераётир кимлардир. Бу тоифа кишилар орасида ўзларини зиёли деб билган инсонлар, ҳатто сиёсатчилар ҳам борлиги кишини ажаблантиради гоҳида.

“Диннинг зарарлари, камчиликлари ҳақида” сўз қотаётган баъзи бир сиёсатчилар дунё адабиёти, санъати ва маданияти тарихида муҳим ўрин тутган кўплаб нафақат мусулмон, балки, бутпараст, насроний ва ҳатто яҳудий бўлган машҳур зиёли инсонлар, саркардалар ва сиёсат арбобларининг Ислом дини, муқаддас китоб – Қуръони карим ва Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам шахсияти хусусида нақадар буюк эҳтиром, буюк инонч ила айтган иқрорларини яхшилаб ўқиб, уқсалар эди, исломий эътиқод масаласидаги гапларини сал эҳтиётлаб гапиришган бўларди, эҳтимол...

Дин – бутун борлиги билан ҳассосият; инжа, гўзал туйғуларга тўла бир ҳаёт йўриқномаси, юксак адаб, буюк бир илм, икки дунё саодатига элтгувчи йўлдир.

Дин – наинки зоҳирий ҳаракатларимиз, балки батиний туйғуларимизни ҳам тартибга солиб, зеболаштириб тургувчи том бир илоҳий таълимотдир! Буни англамаганлар ё-да англашни истамаётганлар зарар ва камчиликни диндан эмас, ўз шуурларидан излаши керак.

Диний-маърифий таълимот, Қуръон илми чексиз бир уммондир. Ундан ҳар ким шуурий “ҳовуч”ига сиғдира олганича, ақлий имконларининг етгани қадар олади. Шундай экан, ҳар ким ўз ҳовучига қараб, “Мен динни, илмни қўлга киритдим, унинг бори шу!” дея ҳовлиқмаслиги керак.

Шунингдек, ўзи учун мавҳум бўлган нарсалардан қўрққан одам каби ўзи тушунмаган илм – соф диний таълимотни бошқалар учунда хатарли қилиб кўрсатишга уриниш ҳам бориб турган жоҳилликдан бошқа нарса эмас.

Шамсия ХУДОЙНАЗАРОВА

Ислом – тинчлик демақдир, террор эмас!

(“Муборак кунлардаги мулоҳазалар” рукнидан)

“Исломий жангарилар”(?) деган ибора бугунга келиб шу қадар оммалашдики, ҳатто унинг ўта такомиллаштирилган “исломий терроризм”, “исломистлар”, “мусулмон жангарилар”, деган синонимлари дунё медиасида тегирмоннинг тошидай шовқин солиб айланадиган бўлиб қолди. Динимиз, қадриятларимиз, сўнгги пайтларда миллатимиз шаънига бетиним отилаётган тошлардан кўнгил қақшайди баъзан..

Нега террор деб аталган мудҳиш амалиётни ислом динига боғлашга зўр берилаяпти? Инсониятни бу муқаддас диндан ё-да мусулмонлардан бездириш учун эмасми? Унда нега террористлар фақат мусулмонлар яшайдиган мамлакатларни уруш ўчоғига айлантиришяпти, уларни оммавий қирғин қилишяпти? Диннинг моҳиятини тушуниб етмаган манқуртлардан террорист ясаб, уларни қурол билан таъминлаётганлар кимлар? Кимёвий атамага кўра, моддаларни бир-бири билан реакцияга кириштириб қўйиб, ўзи аралашмай, четда турадиган катализаторлар – мусулмонни мусулмонга едириб, зимдан томоша базмини уюштириб, қабоҳат учун қадаҳ кўтараётган баъзи гуруҳларнинг тегирмониغا кимлар сув қуймоқда: ўз халқининг кўнгил кўзи очиқ инсонларини қурбон қилаётган эътиқодсиз, узокни кўра олмайдиган, раҳм-шафқат, инсонийликдан бенасиб ғофиллар эмасми? “Бугуним ўтса бўлди, эрта билан ишим йўқ ёхуд ўзим тинч ва яхши яшасам бўлди, халқ қирилиб битмайдими” қабилда иш тутадиган худбинлар эмасми?

Энг ёмони, узун-узун йиллик, ҳатто асрлик манфур ва махфий планларга кўра бу тоифа хоинлар давлат, сиёсат, куч ишлатар тизимлари, маориф соҳаси, иқтисод соҳаси, борингики, ҳар бир етакчи жабҳага сиздирилаяпти. Ҳатто “аъло” даражада хизмат кўрсатаётганлари раҳбар лавозимларига тайинланиб, халқнинг шўрига шўрва қайнатаёпти. Таълим тизимини издан чиқариб, бу соҳани ҳам коррупцион даромад манбаига айлантириш, халқни атай маънан

қашшоқлаштириш, диний билим олишни чеклаш ва шу йўл билан ёшларни осонгина террор ёки худкушлик амали билан “жаннатга йўл” кўрсатадиган мавҳум “уламо”лар кўлига топшириб қўйиш ортида қандай манфур мақсадлар, режалар бор?

Мусулмон олами ўз динига мутлақо ёт бўлган зино, ёлғон, адолатсизлик, ўғрилик, очкўзлик, бузғунчилик, ҳаёсизлик, жосуслик(бир-бирини сотиш), танбалик ва ҳушомадгўйлик каби иллатлардан, Қуръон оятлари ила таъқиқланган хусуслардан узок турган, Аллоҳ севгиси ва охират кўркувсини қалбларидан ҳеч чиқармаган тақдирларида аввало ўз нафсларига, сўнгра-да дунёга ҳоким бўла олишлари мумкин эди. Буни муҳим лавозимларга узок йиллар ўрнашиб олиб, ўз халқининг фарзандларидан (айби бўлса-бўлмаса) узлуксиз равишда “жиноятчи” ясаётган баъзи манқуртлар тушунмасалар ҳам, улардан фойдаланаётган гизли кучлар жуда яхши тушуниб, билиб-билиб қилаяптилар қилмишларини.

БМТ бош котиби Антонио Гуттериш Йордания пойтахти Амманда бўлиб ўтган Араб давлатлари лигаси саммитида “бутун дунёда мусулмонлар ва араблар ҳақида нотўғри фикрлар тарқалаётганини” эътироф этаркан, жумладан, шундай деганди: “Кўплаб одамлар ёлғон тасаввурлар “тўри”га тушиб қолишган. Улар Ислом ИШИД ва “ал-Қоида”ни даҳшатли амалларга ундовчи куч, деб ўйлашади. Аслида эса, буларнинг барчаси Ислом дини тамойилларига зиддир. Кўплаб сиёсий раҳбарлар ўзларининг қалтабин ва худбин мақсадларини кўзлаб, халқбозона хийлаю найрангларга боришади, Исломни нотўғри талқин этишади. Нафратнинг урчишига сабаб бўлишади. Бу эса, террорчилар ва экстремистларга қўл келади”.

Азалдан шундай бўлиб келган: аввал динингни забт этадилар, кейин Ватанингни... Чунки, қалбида ҳеч қандай муқаддас туйғулари, эътиқоди бўлмаган одамларни бошқариш осон бўлади. Бу тоифадагиларнинг сиртини ялтиратадиган моддият билан

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

авраш осон: керак бўлса дўстини, керак бўлса қавму-қариндошини, янаям керак бўлса миллати-ю Ватанини сотади, ҳеч иккиланмай, қилт этмай туриб миллатнинг гулларини – зиёлиларини, эътиқоди бутун уламою фуқароларини қурбон қилиб ёки сургун қилиб юбораверишади. Камига Ватан, иймон, садоқат каби муқаддас тушунчалар ҳақида ёлғондан сафсата ҳам сотиб қўйишади вақти келганда. Бу энди энг учига чиққан мунофиқликдан бошқа нарса эмас.

Мунофиқ билан мувофиқнинг, ҳақ билан ботилнинг фарқига бормасликлари учун ҳам йиллар, асрлар давомида халқимизни диндан мосуво қилиш, динни салбий бир тушунча сифатида халқ онгига сингдириш ва шу йўл билан ботиний кўз – басиратдан жудо қилиш амалиёти қўлланиб келинди.

Хўш бу ҳол қачонгача давом

Кўхна Самарқанд шаҳридан узоқ сафарга чиққан савдогар туяларнинг бирида эгар жабдуқ йўқлигини сезиб, биринчи учраган хунармадчилик дўконига кирди. Дўкон эгаси намоз ўқиш учун масжидга чиқиб кетган, ўрнига шогирдини қолдирган эди.

— Келинг амаки, — деди шогирд.

— Менга зудлик билан эгар керак.

— Ҳозир йўқ эди. Агар буюртма берсангиз, 3-4 кунда тайёрлаб берамиз.

— Нималар деяпсан, ўғлим? Мен бугун йўлга чиқаман. Туяларимдан бирининг усти бўш. Дарҳол эгар қўйишим керак, туя бўш кетмасин.

— Лекин амаки, ҳозир эгар йўқ-да, қаердан оламан?

— Кўрмаяпсанми? Карвон йўлга шайланган. Бироздан сўнг карвонбошининг кўнғироғини эшитасан. Қани дўконингни яхшироқ қара-чи, биронта эгар топилиб қолар.

Шогирд у ер бу ерга қарагандай бўлди-ю, бирдан кўзи йиллар бўйи шифтда осиглиқ турган эски эгарга тушди.

— Буни қаранг, амаки. Шу эски эгар, бир неча йиллардан бери шифтда осиглиқ туради. На унга биров харидор бўлди, на биз уни сотишга қўйдик. Мадомики, сизга жуда зарур бўлса, 40 танга бериб, шуни олақолинг.

Савдогар эгарнинг янги-

этади? Афсуски, халқ ўз иродасини қўлга олмагунча, ўз тақдирига ўзи масъул эканлигини чуқур ҳис қилмагунча шу ҳол давом этаверади. Бир замонлар бани башарга дарс бергувчи даҳолар – илму фанда етуқ олимлар, улғу авлиё-ю анбиёларни етиштирган халқнинг бутунги авлодларини дунёга шармисор этиш, ёмонотлиқ қилиб кўрсатиш учун улардан мардикор, фоҳиша, камига “террорист”лар ясашаверишади...

Танловимизда икки йўл бор: ё бор куч-иродамизни тўплаб, ўз динимиз, Ватанимиз, давлатимизга соҳиб чиқиб, келажагимизни таъминламоқ ёхуд ўз тақдиримизга лоқайдлигимиз, фарзандларимиз, келажак авлодлар олдидаги масъулиятсизлигимиз ортидан динимиз-шарафимиз, обрўмизу бойлигимиз, давлатимизу Ватанимизни маҳв этишга ҳамиша шай турган олғирларга “ем” бўлиб кетмоқ...

Динига муҳаббати бўлмаган,

Насиб бўлса келар Ҳинду Ямандан...

ескилигини ажратадиган вазиятда эмасди. 40 танга бериб эгарни олиб, карвон томон югуриб кетди. Шогирд эски эгарни 40 тангага сотганидан жуда хурсанд эди. Устага бу омадли савдони айтса, ким билади, қанчалар хурсанд бўларкин?!

Бироздан сўнг уста дўконга қайтди. Салом аликдан сўнг шогирд:

— Сизга бир хушхабарим бор уста — деди.

— Айтчи қани, нима экан?

— Шифтда осиглиқ турадиган эски эгар бор эди-ку. . .

Устанинг кўзи дарҳол шифтга қадалди, эгар жойида йўқ. Ранги оқариб, нафаси ичига тушиб қолди. Тиззалари қалтирай бошлади. Лаблари эса секин пичирлаб:

— Айт, нима бўлди, у эгарга?

— Бир савдогар келиб, зудлик билан эгар кераклигини айтди. Ҳозир эгар йўқ десам ҳам, кўярда қўймай, топиб бер, деди. Шу эски эгарга кўзи тушиб, бу ишга ярамайди дейишимга қулоқ солмай 40 танга бериб, олиб кетди.

Уста турган жойида чўккалаб қолди. Чунки у эгарда устанинг пул ташлайдиган халтачаси бор эди. Йиллар бўйи рўзғоридан

Ҳақни танимаган, ўзлигини англамаган одамнинг Ватанига ҳам муҳаббати бўлмайди. “Ватаннинг севмак иймондандир”, дея ҳадиси шарифда бежиз айтилмаган. Ўз камчилигини кўра олмаган киши комил бўла олмаганидек, ўз фожеасини ўзи англамаган миллат ҳам аввало маънавий, сўнгра-да моддий инкирозга, маҳв этилишга маҳкумдир. Бу ҳақиқатдан оқилона хулоса чиқариб, қўлни қўлга бермоқ, халқни жипслаштирмоқ, Ватан севгисини тилда эмас, дилда, амалда ифода этмоқ, қолаверса, муқаддас динимизнинг террор, бузғунчилик, ҳаёсизлик, ёлғончилик ва сохтакорликдан мутлақо йироқ, ҳақиқат ва юксак маданият, том бир маънавий ахлоқ ва тараққиётга, илм олишга ундовчи куч эканлигини ҳақти-ҳаракатларимизда ифода этмоқ нафақат халқ олдидаги, балки Ҳақ олдидаги энг олий бурчимиздир. Шундай эмасми?

Шамсия ХУДОЙНАЗАРОВА

орттирганини шу халтачада сақларди.

— Шунақа дегин, 40 йил тўплаганим 40 тангага кетибди-да!

Шогирд воқеликнинг ҳақиқатини билиб, қилган ишидан жуда pushаймон бўлди. Йиғлаб, ох-воҳ қилди. Уста ақлли, олийжаноб киши бўлиб:

— Болам, бунчалар ўзингни қийнама! Насиб бўлса келар Ҳинду Ямандан, буюрмаса нима келади қўлдан, — деб тасалли берди.

Орадан анча вақт ўтди. Салқин кунларнинг бири, тушлик пайти эди. Дўкон эшигида бир одам турарди. Бу ўша, эски эгарни 40 тангага олган савдогар бўлиб, қўлида ўша эгар турарди.

— Мен 6 ой аввал, шу дўқондан манави эгарни олгандим. Йўлда ўйлаб қолдим. Менга буни сотган шогирднинг устаси бу савдодан рози бўлдимикан? Мен шошилтирганим учун устасидан сўрашга ҳам имкони бўлмаганди. Устаси норози бўлган бўлса, шогирдини жазоламадимикин, деган ўй менга тинчлик бермади. Мана эгарингиз, қайтиб олинг. Менга бошқа ясаб беринг!

Уста ва шогирд бир-бирларига тикилиб қолдилар. Айни вақтда кўнғилларидан бир хил гап ўтарди: “Насиб бўлса келар Ҳинду Ямандан. . .”

islom.ziyouz.com

("Муборак кунлардаги мулоҳазалар" рукнидан)

Маълумки, инсон руҳ ва вужуддан иборатдир. Вужуд озук истаб сизни қанчалик ҳаракатга келтираётганини, ошқозон ғамини чекишга мажбур қилаётганини сезиб, билиб турасиз. Аммо, ишонинг, руҳнинг ҳам озук олишга шу қадар кучли эҳтиёжи бор.

Вужуд эҳтиёжи – моддият, руҳ эҳтиёжи – маънавиятдир. Маънавият илм орқали ҳосил бўлади, бу сир эмас. Аммо руҳга озик берувчи илмнинг ҳам "руҳи", "жони" бўлмоғи жоиз. Ҳақнинг ҳақиқатига асосланмаган жонсиз, ўлимтик билим руҳни, маънавиятни аввал фалаж қилади, бора-бора ўлдиради, ҳалок қилади. Худди вужудингизга мажбурлаб ўлимтик этни, ярқсиз, захарли маҳсулотни едирганингизда фалокат рўй бериши муқаррар бўлгани каби...

Бугун ён-атрофимизда рўй бераётган уруш-таллошлар, авжига чиққан шафқатсизлик, ҳаёсизлик ва энг ёмони, кўпчилик одамларнинг бу фожеаларга лоқайдлик билан панжа орасидан қараётганлиги асрлар бўйи руҳимизга мажбуран "едирилган", "одамнинг маймундан пайдо бўлганлиги" хусусидаги сафсаталарни сингдириш учун мактаб дарсликларимиз орасидан ёқимсиз қўл узатиб, шууримизга чангал солган ўша "машхур таълимот"нинг меваси бўлса ажаб эмас...

Инсон вужуди асл, тоза, фойдали моддаларга бой бўлган маҳсулотларни истеъмол қилишга қанчалик кучли эҳтиёж сезса, инсон руҳи ҳам соф, амин, "тўйимли" ва суюмли бўлган озукга – мантиқли илмга шу қадар кучли эҳтиёжманддир. Ярарсиз, эскирган, сифати йўқолган озуклардан хасталаниб, витамин етишмовчилигидан ёки вируслар "хуружи"дан вужудда бир хасталик пайдо бўлиши муқаррар бўлгани каби қабул қилинаётган маънавий озук, илмдаги номукамаллик, етишмовчилик туфайли руҳда ҳам бир хасталик – иллат пайдо бўлиши аниқ. Инсон Буюк Зот – Оллоҳнинг мукамал яратигидир. Аллоҳнинг илм ва муҳаббатидан яратилган бир мавжудотдир. Қодир Зотнинг биргина "Бўл!" буйруғи – биргина ишорати, иродаси бирла инсон ашлом муқаррам бир вужуд пайдо бўлди. Тангрининг чексиз илмидан бир сачратқи, бир зарра, бир ҳосила ўлароқ туғилган инсон умр бўйи ўзи билиб-билмай ана шу чексизлик илмининг Соҳиби – Яратувчиси, Ўзи томон интилади. Ҳар бир инсон ўз организмни ташкил этган энг кичик ҳужайраларидан тортиб, тери тўқималари, йирик сўнакларигача бўлган анатомияни, бир етук олим



Руҳ эҳтиёжи недир?

ёки моҳир доктор қадар англаб етмагани сингари, зоҳирий шакл-вужуд ичидаги руҳининг ҳам тузилишини диннинг маҳобатли олимлари, ҳақимлари, авлиёлари қадар англаши мушкул.

Аксар одамлар бу фоний ҳаётда ўзларининг "мен"ликлари-кимликларини ташиётган, эрта бир кун ҳаётдан кўз юмганида тупроқ остида чириб кетадиган вужудларининг тирик қолишлари учун "жиҳод"га – курашга чақирадиган ошқозонларининг "фарёд"ларини эшитадилар-у, тезда ҳаракатга кечадилар. Ҳатто меъдалари тўқ бўлгани ҳолда, озук сўрамай турган бўлса ҳам...

Энг камида ҳафталик, ойлик ва ҳатто йиллик озукларини "запас" учун ҳозирлаб қўядилар, тунда ё эртага ёхуд бир киприк қоққунчалик сония ичида нималар юз беришини билмаганлари ҳолда... Аммо... нафақат фано гумбазида ярарли, ҳатто муқаррар ўлим ҳодисасидан сўнг абадий қоладиган боқий ҳаётларида ҳам шахси-кимликларини ташийдиган руҳнинг "тирик" қолиши, "оёқда қолиши", саломат бўлиши учун курашмайдилар. Маънавий, илмий озук ахтармайдилар, қалб уйини саломат сақлай олмайдилар. Ҳатто фоний ҳаётнинг ичкарасидаёқ руҳларини қаровсиз қолдириб, "ўлдириб" қўядилар. Шу тариқа тирик вужуд ичра "ўлик" руҳлар, ўлик қалблар ташиб юрган, тириклик моҳиятини фақат дуруст еб-ичмак, фаровон ҳаёт кечирмак ва кайфу сафодан иборат деб ўйлайдиган одамларнинг жамоаларига, гуруҳларига тўлиб бораётган атрофларимиз...

Соф диний илм инсонга ўзлигини, Ўзини англатади, Ҳақни танитади. Уни ўн саккиз минг оламда севиқли ва шарафли қилиб яратган Зотга севиғи ва поклик билан интилади.

Муборак Пайғамбаримиз Муҳаммад (саллоллоҳу алайҳи вассаллам) га нозил этилган кундан бошлаб то бугунимизгача, асрлар давомида инсонлар қўли билан ўз манфаатларига мослаб ҳатто бирор ҳарфига ўзгартириш киритилмаган Қуръони Карим аввалу охир, ботину зоҳир илмининг, энг асл ҳикматлар денгизининг шаффоф ва амин мажмуаси, ишқ муждаси, адаб йўриқномаси, руҳ эҳтиёжидир! Руҳни эса жиловлаб бўлмайдир. Чунки, Руҳ абадият мулкидир!

Инсонни қасддан оч қолдиришганда вужуд исёнга келгани каби, руҳ эҳтиёжи, коинот зарраси ҳисобланмиш инсоннинг муқаррам ва азим БИРУ БОР, ҲАҚҚА, ЎЗИГА қараб интилиши йўлида тўсиқ қўйилса, у исёнга келиши аниқ. Кимдир ўз нафсини озгина емакка қаноат қилишга ўргатганидай, руҳининг эҳтиёжини ҳам озроқ илоҳий илм олса-да, ихлос ва тафаккур билан қаноатлантириши мумкин. Аммо кимдир сабрсизлиги ва етрлича билимга эга эмаслиги сабаб радикаллашиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Буни ҳаётнинг ўзи курсатиб турибди бугун... Шу боис дунёвий билимлар билан бирга диний билимларнинг ҳам мактаб партасиданоқ ўргатилиши фойдадан ҳоли бўлмайдир. Шундагина ҳам жисмонан соғлом, ҳам руҳи тўлғин, баркамол авлодлар етиштириш ҳақида гапирсақ бўлади. Зотан, ҳар бир жон илм олиш, ЎЗИНИ, ўзлигини танишга ҳақлидир.

ШАМСИЯ ХУДОЙНАЗАРОВА

"ERKIN YURT"

интернет-газетаси

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий

нашри

www.uzxalqharakati.com/erkinyurt

Мухаррир: Нурбек Саломов